

“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ

2024 йил 29 март

№ 02/2024

Тошкент шаҳри

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

Санаси ва вақти: 29 март 2024 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди:

А.Эргашев – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-78-сонли қарорида “O‘zagrolizing” АЈга Ўзбекистон тикланиш ва тарққиёт жамғармаси, Халқаро тикланиш ва таракқиёт банки ҳамда Халқаро таракқиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА)нинг маблағларини жалб қилиш белгиланган.

Ушбу топшириқ юзасидан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 6 мартдаги 330-сонли қарори умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А. Норбоев сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан А. Эргашев – умумий йиғилиш раиси, А. Насирдинов ва Э.Қурбонов умумий йиғилиш Раёсати аъзолари ҳамда Б. Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 февралдаги ПҚ-78-сонли қарори доирасида тузиладиган йирик битимларни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси А. Эргашев сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 6 мартдаги 330-сонли қарорига асосан Санок комиссияси 3 кишидан, яъни Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова

Манзура Муроджон қизи ва Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Бироқ, бугунги кунда Абдукаримов Абдулла Абдумавлонович хорижий давлатда хизмат сафарида эканлиги муносабати билан санок комиссияси таркибига Ахматалиев Бекзод Шухратали ўғлини киритишни таклиф қилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда очиқ овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур Санок комиссияси раиси этиб Д. Курбанбаев сайланганлиги тўғрисидаги 2024 йил 29 мартдаги 1-сонли баённома умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Санок комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг 150 572 291 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 2 та акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (154 381 972 дона)нинг 97,53 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Санок комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисида 2024 йил 29 мартдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очиқ деб эълон қилинди.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси А. Эргашев, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 февралдаги ПҚ-78-сонли қарори доирасида тузиладиган йирик битимларни тасдиқлаш.

Бошқарув аъзоси Э.Қурбонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-78-сонли қарорига кўра, жамиятга Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тарққиёт жамғармаси ҳисобидан **10 йилга 1 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада 100 млн. долл.**

эквивалентида миллий валютада револьвер тарзда кредит линияси очиш тўғрисидаги таклифга розилик берилгани билан таништирди.

Шунингдек, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида жалб қилинган кредит линияси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун жамиятга биринчи босқичда – бир hafta муддатда **30 млн. долл.**, иккинчи босқичда – жорий йил 1 июлга қадар белгиланган тартибда Жаҳон банки билан келишилган ҳолда **26 млн. долл.** ажратилишини таъминлаш ҳамда 1 майга қадар Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) иштирокида “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида жалб қилинган кредит линияси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун жамиятга **40 млн. долл.** йўналтириш вазифалари топширилганини билдирди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 84-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилиши, бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, **мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда** мажбурий тартибда қабул қилиниши белгилангани таъкидланди.

Жамият кузатув кенгаши томонидан 2024 йил 6 мартдаги 330-сонли мажлис баёнига мувофиқ ушбу битимлар амалдаги қонунчилик талабларига асосан жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатлари доирасида кўриб чиқиш бўйича қарор қабул қилинган.

Юқоридаги учта йирик битим бўйича “**RBS Iman Team**” МЧЖ **аудиторлик ташкилотининг** 2024 йил 20 мартдаги мос равишда 2024/08, 2024/06 ва 2024/07-сонли битимларни йирик битим сифатида ўрганиш юзасидан **аудиторлик ҳисоботларига** мувофиқ 3 та битим ҳам жамият соф активларининг 50 фоизидан ортиғини ташкил этганлиги сабабли жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши маълум қилинган.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқлаш сўралди.

Умумий йиғилиш раиси А. Эргашев кун тартибидаги барча масалалар ўз ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Санок комиссиясига топширишни сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Санок комиссияси раиси Д. Курбанбаев умумий йиғилишга қуйидагиларни эълон қилди:

Санок комиссиясининг 2024 йил 29 мартдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 2 дона бюллетен тарқатилди ва 2 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қуйидагича овоз олинди:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 150 572 291 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 150 572 291 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар- йўқ.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 февралдаги ПҚ-78-сонли қарори доирасида тузиладиган йирик битимларни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 150 572 291 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Санок комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Санок комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Санок комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Ахматалиев Бекзод Шухратали ўғлидан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;


овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 февралдаги ПҚ-78-сонли қарори доирасида тузиладиган йирик битимлар тасдиқлансин.

3.1.Қарор доирасида жалб қилинадиган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш ҳамда уларни ўз вақтида қайтариш учун ижро органи раҳбари (Н.Отажонов) шахсан масъул этиб белгилансин.

Умумий йиғилиш раиси



А.Эргашев

Котиб

Б. Валиев

Баён тузилган сана: 2024 йил 2 апрель